Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
14 ноябрь
ШАНБА
№ 91 (12831)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

## ЎЗИ ЕТИШТИРАДИ, ЎЗИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИ

**Зангиота туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги 1993 йилда шахсий кичик корхона сифатида ташкил этилган пайтда аҳолининг чорва молларини сўйиб бериш ва паррандачилик билан шуғулланарди. Тадбиркор бу билан чекланиб қолмади, изланди, ҳаракат қилди ва 4 йилдан сўнг кичик цех қуриб, 3 хил колбаса ишлаб чиқара бошлади.**



Шахсий кичик корхона 2000 йилда "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигига айлантирилгач, ишлар гуруллаб кетди. 2002 йилда "Пахтабанк"дан олинган кредит ҳисобига Италиядан "VERIPACK" вакуум қадоқлаш ускуналари сотиб олиниб, ўрнатилди. Шу тариқа сосиска ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

2003 йилда фермер кўпдан бери ўйлаб юрган ишига қўл уриб, чорвачилик фермаси ташкил этди. Шу тариқа колбаса ва сосиска ишлаб чиқариш учун гўшт ҳам ўзларидан чиқа бошлади. Натижада фермер хўжалиги мустаҳкам оёққа турди.

Хўжаликдаги 60 ишчи-ходимнинг ишга масъулият билан ёндошиши, маҳсулотлар сифати доимий назоратдалиги, ишлаб чиқаришда санитария қоидаларига қатъий риоя қилиниши маҳсулотлар рақобатбардош бўлишини таъминламоқда. Юртимиз ҳамда хорижлик ишлаб чиқарувчилар билан амалий ҳамкорлик, тажриба алмашиш, Германия ва Италия давлатларидан келтирилган дастгоҳларда маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани сифат-



нинг хорижникидан сира қолишмаслигига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигининг пойтахт ва вилоят туманларида махсус дўконлари бор. Шунингдек, хўжалик маҳсулотлари кўпгина озиқ-овқат дўконларида ҳам сотилмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида хўжаликнинг замонавий технологиялар билан таъминланган яна бир биноси ишга тушиб, бир қанча янги иш ўринлари яратилди.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маданий бойликларимизни асраб-авайлаш, аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, навқирон авлодни тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ижтимоий-маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан этиб белгиланган.**

## ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

*Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.*

*Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.*

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда.**

Мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофазалашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди ва изчил такомиллашмоқда. Конституциямизда бундай ёдгорликлар давлат муҳофазасида экани алоҳида қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонун асосида маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга асл ҳолича етказиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ва унинг тизимидаги вилоят инспекциялари томонидан бой тарихимиз ва аждодларимиз тафаккурининг маҳсули бўлган маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни халқимиз маданиятининг бетакрор дурдоналари сифатида кенг тарғиб этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимизда саккиз мингдан ортиқ маданий мерос объекти давлат рўйхатига олинган, – дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдусафи Раҳмонов. – Халқимизнинг бой тарихидан далолат берувчи ушбу археологик ва меъморий ёдгорликлар, санъат асарлари, диққатга сазовор жойларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга.

Тарихий қадамжоларга сайёҳларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда маданий мерос

(Давоми 2-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

**Ангрен шаҳридаги 73-ихтисослашган мактаб-интернатда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан уюштирилган маънавий-маърифий тадбирга ушбу таълим-тарбия масканининг фидойи ўқитувчи-мураббийлари, меҳнат фахрийлари таклиф этилди.**

Шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, қадрдон мактаб мутасаддилари, касбдошлару шогирдлар ҳурмат-эътиборидан кўнгиллари тоғдек кўтарилган нуроний кексалар мириқиб суҳбатлашдилар.

– Мактабимиз ташкил этилган йили мен ҳам шу ерда иш бошлагандим, – дейди меҳнат фахрийси Маснавий Қутлиев. – Шунга 55 йил бўлибди. Кексаларни эъзозлаш йили шарофати билан ушбу қутлуғ масканни яна бир бор кўриш, мустақиллик йилларидаги кўламли ислоҳотлар самарасидан баҳраманд бўлиш насиб этди. Шукрким, инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатда тинчлик-фаровонликда яшамоқдамиз.

(Давоми 3-бетда).

Ҳар ишда меъёр бўлсин

***Ўзига хос бетакрор табиати, олижаноб фазилати билан олам аҳли эътибори ва ҳавасини қозонган халқмиз.***

## АНЪАНА ВА УДУМЛАРИМИЗ ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТДА

*Бебаҳо қадриятларимиз, гўзал анъаналаримиз, ажойиб урф-одатларимизни қизиқиб, меҳр билан кузатишади, иштиёқ билан қатнашишади. Лекин, керак-нокерак дабдабаю асаса билан ортиқча зеб бериш, ўзни ҳар алфозга солиб, зўриқишдан не наф?! Кейинги пайтларда тўй-маъракаларимиз шундай бемаъни хўжакўрсинчилик, исрофгарчиликлар билан ўтаётгани ва бу иллатлар кўпгина холис фикрли, мулоҳазали кишиларнинг ғашига тегаётгани бор гап.*

(Давоми 2-бетда).

Ўқув-семинар

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

**Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар жараёни изчил кечмоқда.**



Хусусан, давлат ва ҳукуматнинг фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлган маҳалла институтига, ўзини ўзи бошқариш органларига жиддий эътибори туфайли иқтисодиётнинг барча соҳаларида маҳалланинг ўрни ва роли яққол сезилмоқда. Айниқса, маҳалланинг жамоатчилик назоратига оид фаолияти тобора кенгайиб, бу соҳада асосий субъектлардан бирига айланиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда).

**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

## ЛОҚАЙДЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ЗАВОЛИ

**Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар аҳолисининг аксарияти дунёни англаш, қадимий обидаларни бориб кўриш, гўзал табиат бағрида дам олиш ва шу орқали турли халқларнинг ўзига хос маданияти ва урф-одатларини ўрганиш мақсадида сайёҳлик хизматидан кенг фойдаланмоқда. Зеро, туризм нафақат мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, балки эл-элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим омилдир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга оид муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Натижада нафақат ички, балки халқаро туризм изчил ривожланиб, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.**

Ўзининг географик жойлашуви, гўзал ва бетакрор табиати, қадимий обидалари ва қадамжолари кўплиги билан Тошкент вилояти туризм соҳасида анча юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бўстонлиқ тумани, Ангрендаги Янгиобод, Лашкарак тоғли ҳудудлари, Оҳангарон туманидаги хушманзара дам олиш масканлари, "Зангиота" мажмуаси, Оққўрғон туманидаги қадимий Шоҳруҳия шаҳри қолдиқлари каби бой тарихий меросимизни бориб кўриш ва маданий дам олиш нафақат маҳаллий аҳолини, балки чет эллик сайёҳларни ҳам қизиқтиради. Бу жойларда спорт-соғломлаштириш, экотуризм, агротуризм ва бошқа туристик йўналишларни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий эттириш орқали кўплаб иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш имкониятлари мавжуд. Бироқ, туристик фирма, соҳа тадбиркорлари ва тегишли мутасаддилар вилоятдаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олмаяптилар.

Республика Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 1 апрелдаги навбатдан ташқари сессиясида "Вилоятда кўплаб дам олиш масканлари фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, жами хизматлар ҳажмида туризм хизматларининг салмоғи атиги 0,5 фоиздан ошмаётгани албатта ҳеч кимни қониқтирмайди. Айнан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси одамларимизни иш билан таъминлаш ва шунинг ҳисобидан аҳолимиз даромадларини ошириш, унинг ҳаёт даражасини яхшилашда ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганини унутмаслигимиз зарур" дея алоҳида таъкидлаган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш тўғрисида"ги қарори ҳамда ушбу қарор асосида ишлаб чиқилган Дастур вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, ички ва хорижлик сайёҳларни минтақанинг тарихий-маданий мероси билан кенгроқ таништириш, транспорт, коммунал инфратузилма объектлари мажмуасини барпо этиш, Чимён-Чорвоқ ва бошқа ҳудудларда кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш ва янги иш ўринлари яратиб, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш масалалари кенг қамраб олингани билан аҳамиятлидир.



Ўтган икки йил ичида Дастур доирасида вилоятдаги мавжуд туризм базаси яхшиланди, меҳмонхона ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилди. Тарихий-маданий мерос объектларини тадқиқ ва реставрация қилиш, ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида Оққўрғондаги "Шоҳруҳия", "Хонқа" археологик ёдгорликлари, Оҳангарондаги "Саур тепа", "Шодмалик ота", "Сардоба қайнар" мажмуалари, Пискент туманидаги "Парпи ота", "Қирқ қиз", "Сормозор" қадамжолари қиёфаси ўзгариб бормоқда. Сайёҳларни кўпроқ жалб этиб, вилоятимиз салоҳияти билан таништириш мақсадида Чиноз ва Бўстонлиқ туманларида анъанавий балиқ маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. "Чимён экстрим", "Чимён садоси" фестиваллари экологик туризмни ривожлантиришга қаратилди. Угом-Чотқол миллий боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонасига экскурсия ва саёҳатлар меҳмонлар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлмоқда. Паркент туманида узум сайли ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда. Вилоятимизнинг миллий маданияти, удумлари, табиати ва ўзига хос ошхонаси "Welcome Uzbekistan" веб-порталида акс эттирилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Матбуот анжумани

## КРЕДИТ УЧУН МИЛЛИАРДЛАР

**Миллий матбуот марказида республика Марказий банки ҳамда "Агробанк" АТБ ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мавзуида ўтган анжуманда банк мутасаддилари, "Агробанк" хизматларидан фойдаланаётган фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, "Агробанк" бу йил қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари сотиб олиш учун 31 миллиард, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга 108 миллиард, қишлоқ хўжалиги таъминотчи корхоналарига эса 809 миллиард сўм маблағ йўналтирди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 91 миллиард, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ўз бизнесини ташкил этишлари учун 35 миллиард, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 49 миллиард сўм кредит ажратилди.

Кредитлар ёрдамида жойларда 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш қувватлари янгиланди, маҳсулот таннархи пасайди.

– "Агробанк" билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилмоқдамиз, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Маҳмудбек" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Раҳмонов. – Бундан бир неча йил бурун кредит олиб, иссиқхона ташкил қилгандик. Бу йил банкнинг туман филиалидан 35 миллион сўм кредит олиб, сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш цехи очдик. Цех кунига 1 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Эътиборлиси, 12 та янги иш ўрни яратилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Жаҳон чемпионати – 2018

# ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КХДР ФУТБОЛЧИЛАРИНИ 3:1 ҲИСОБИДА МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТДИ



**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги Жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси саралаш мусобақалари иккинчи босқичи еттинчи тури доирасида "Пахтакор" марказий стадионида КХДР терма жамоасини қабул қилди.**

Ўйиндан аввал терма жамоамиз ҳисобида 9, КХДР ҳисобида эса 13 очко бор эди. Ҳатто дуранг натижа ҳам ҳамюртларимизнинг гуруҳдан чиқиш имкониятларини анча пасайтириб юборарди. Шу боис футболчиларимиз ўйинни ҳужумкорлик билан бошлади.

Аммо 3-дақиқада КХДР терма жамоаси қарши ҳужумда ҳисобни очди. Футболчиларимизнинг юқори тайёргарлиги, ўз кучига ишончи ва стадионни тўлдирган мухлислар олқиши ўз самарасини берди. Сервер Жепаров томонидан оширилган тўпни 24-дақиқада терма жамоамиз ҳужумчиси Игорь Сергеев дарвозага аниқ йўллади – 1:1.

Учрашувда футболчиларимиз тактик ва жисмоний устунликка эга бўлди. 66-дақиқада Сардор Рашидов томонидан оширилган тўпни Александр Гейнрих аниқ якунлади. Учрашувнинг 87-дақиқасида Сардор Рашидов қарши ҳужумда Одил Аҳмедовни тўп билан таъминлади ва жамоамиз сардори уни голга айлантирди.

Шу тариқа терма жамоамиз аъзолари 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини 12 тага етказди ва гуруҳдаги мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Миллий терма жамоамиз навбатдаги учрашувни 17 ноябрь куни сафарда Яман терма жамоасига қарши ўтказади.

**Н. НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## XXI аср ва дунё

### ЎН ТЎРТ ҚОЧОҚ ДЕНГИЗГА ҒАРҚ БЎЛДИ

**Қочоқлар сузиб бораётган қайиқ Эгей денгизининг Туркия соҳилларига яқин қисмида сувга ғарқ бўлди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг шу ҳақда ёзишича, кема ҳалокати оқибатида 14 киши қурбон бўлган. Мамлакат қирғоқ қўриқлаш хизмати ходимлари 27 қочоқни қутқаришди. Шунингдек, ҳалок бўлган қочоқларнинг жасадлари ҳам сувдан чиқариб олинди. Маълум қилинишича, қурбонларнинг 7 нафари болалардир.

NTV телеканали тарқатган хабарда айтилишича, қочоқлар Туркиядан Греция томон йўл олишган. Кемадаги муҳожирларнинг қайси миллатларга мансублиги ҳақида маълумот йўқ.

### КИМОШДИ САВДОСИДА НОЁБ ОЛМОС

**The Guardian нашри эълон қилган хабарда келтирилишича, Швейцариядаги Christie's аукционида камдан-кам учрайдиган пушти ранг олмос 28,5 миллион долларга сотилди.**

"Ёқимли Жозефина" дея чиройли ном берилган ушбу бриллиантнинг оғирлиги 16,08 карат бўлиб, Christie's аукционида кейинги 250 йил ичида савдога қўйилган шундай рангдаги энг йирик қимматли тошдир. Кимошди савдоси ташкилотчилари уни кўпи билан 27 миллион долларга сотса керак, деб тахмин қилишганди. Бироқ, исм-шарифини маълум қилишни истамаган Гонконг шаҳрилик бойвачча ноёб олмос учун 28,5 миллион доллар тўлади.

Ушбу аукционда "Зангори ой" номи берилган яна битта бриллиант сотилиши кўзда тутилган. Унинг оғирлиги 12,03 карат бўлиб, бенуқсон тош дея таърифланмоқда. Ташкилотчилар уни камида 55 миллион долларга сотиш ниятидалар.

### МАДУРОНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ ҲИБСДА

**Венесуэла президенти Николас Мадуронинг икки қариндоши гиёҳванд моддаларни ноқонуний тарқатишда айбланиб, қўлга олинди ва АҚШга келтирилди.**

Ушбу воқеадан хабардор манбага таяниб хабар тарқатган нашрлардан бирида таъкидланишича, Эфраин Антотио Кампо Флорес ва Франсиско Флорес-де-Фрейтас Гаитининг пойтахти Порт-о-Пренсда ушланди. Маҳаллий полиция уларни АҚШнинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш бошқармаси агентларига топширди ва ушбу маҳкамага тегишли самолётда ўша куниёқ жиноятчилар Нью-Йоркка келтирилди.

Хабардор манбаларнинг гувоҳлик беришича, 29 ёшли Кампо Флорес ўзини Венесуэла президентининг ўгай ўғли деб таништирди. Айтишича, уни давлат бошлиғининг рафиқаси тарбиялаган экан. Флорес-де-Фрейтас эса "президент рафиқасининг жиянимап", деди.

Манбаларнинг хабар қилишича, бу икки жиноятчи Гандурасда бир кишига учрашиб, 800 килограмм кокаинни аэропортдан ўтказиб беришни илтимос қилишган. Кейинчалик аниқланишича, улар мурожаат қилган киши Американинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш бошқармасининг махфий айғоқчиси экан. Таъкидланишича, наркотрафик жиноятларга Венесуэла қуролли кучлари, полицияси ва ҳукуматининг олий даражадаги раҳбарлари алоқадор экан.

### МЕКСИКАДА ТАЛАБАЛАР БЕДАРАК ЙЎҚОЛДИ

**2014 йилнинг 14 сентябрида 43 талабаси ўғирлаб кетилиб, кейинчалик ўлдириб юборилган ўқув-муассасасининг яна камида 30 талабаси бедарак йўқолди.**

Маълумки, ўша йили Мексиканинг Герреро штатида полициячилар билан юз берган тўқнашувдан сўнг ўғирлаб кетилган талабалар бир нечта автобусда боришаётган эди. Йўлда газ юкланган цистернани қўлга олиб, норозилик акциясини уюштириш чоғида ундан фойдаланмоқчи бўлишган. Ўшанда Игуала шаҳрида йўқолиб қолган талабаларни, кейинчалик полициячилар ўғирлаб кетиб, безорилар қўлига топширишган. Шундан сўнг тахмин қилинишича, улар ўлдирилиб, жасадлари ёқиб юборилган.

Шу воқеани тергов қилиш жараёнида жами 111 киши, шу жумладан, Игуала шаҳрининг собиқ ҳокими ва кўплаб полиция амалдорлари ҳибсга олинган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Бу – қизиқ

### Яна футбол ҳақида

● Парагвай чемпионатида баҳс олиб борувчи "Sporivo Ameliano" ва "General Caballero" жамоалари ўртасида 1993 йилда ўтказилган баҳсда ҳакамлар жами 20 та қизил карточкани чўнтакларидан чиқаришга мажбур бўлишган.

**● Кот-д'Ивуарнинг "ACEK ABIDJAN" клуби футболчилари 1989 йилдан 1994 йилгача ўтказилган 108 баҳсда рақиб дарвозасига бирорта ҳам тўп кирита олишмаган.**

● 1974-йилги Жаҳон чемпионатида Ғарбий Германия терма жамоаси билан кечган баҳсда Чили терма жамоасининг собиқ аъзоси Карлос Касселп Жаҳон чемпионатлари ўйинларида қизил карточка билан жазоланган илк футболчи сифатида тарихда қолган.

**● 1930 ва 1950-йиллардан ташқари, ҳар Жаҳон чемпионати финалида Европадан камида битта терма жамоа финалгача етиб борган.**

● Артур Вартон футбол тарихидаги илк профессионал қора танли дарвозабон. У Ганада туғилган ва 1889 йилда Англия Премьер лигасида иштирок этувчи "Ротердам" жамоаси дарвозасини қўриқлаган.

**● 1950-йилги Жаҳон чемпионатида ФИФА бутсисиз (оёқяланг) футбол ўйнашга рухсат бермагани учун Ҳиндистон терма жамоаси ортга қайтишга мажбур бўлган.**

● 1957 йилда "Чарлтон Атлетик" жамоаси "Худдерсфилд Таун" жамоаси билан баҳс тугашига 30 дақиқа қолганида 5:1 кўринишдаги ҳисобни 7:6 кўринишига келтириб ғалаба қозонган.

**● 1996 йилги Африка Миллатлар Кубогида Либерия терма жамоаси футболчиларининг формалари ва бошқа барча харажатларини мамлакат терма жамоаси футболчиси Жорж Веа ўз ёнидан тўлаган.**

● 1997 йилда нигериялик Бабаяро дебют мавсуми бошланишидан аввал "Chelsea"нинг мавсумолди йиғинларида ўтказилган учрашувда ўз голини нишонлаш давомида оёғини синдириб олиб, бир неча ойга сафдан чиққан.

**● 1998 йилда инглиз ҳаками Мартин Сильвестер Дистрист Сундай лигаси баҳсларидан бирида футболчини ургани учун ўзига қизил карточка кўрсатиб, майдонни тарк этган.**

## Ҳангома

### ЎҒЛИМГА САЛОМ ДЕЙМАН

Куни билан "оғзига талқон солиб олган" телефоним шом маҳалда жиринглаб қолди. "Лаббай" дейишим ҳамоноқ, бир қизнинг қўнғироқдай овози жаранглади:

– Ассалому алайкум, сиз ҳаваскор ҳажвчисиз-а?

Мухлиси саҳнага гул олиб чиққан яллачидай яйраб кетдим:

– Худди шундай!

У янада нозли ва ёқимтой овозда, сўзларни чертиб-чертиб гапира кетди:

– Биз сизни "Оқиллар ори" радиосидан безовта қилаяпмиз. Сиз ҳозир жонли эфирдасиз. Ёнингизда радио бўлса бизнинг тўлқинга созлаб, худди шу суҳбатни эшитишингиз мумкин.

Нима бўлаётганини англаб улгурмасимдан, сўзамолгина овознигор бекаси керакли FM тўлқини рақамини икки бор қайтаришга улгурди. Машинада эдим. Шундоқ ҳам куни билан радио тинглашга тўғри келган бўлса ҳам, ишониб-ишонмай, унинг мурватини керакли томонга бурадим.

– Ҳурматли суҳбатдош, йўлда бўлсангиз тўхтаб олишингиз мумкин.

Ё қудратингдан, бу сас телефонимдан чиқдими ё радиокарнайдан?

– Тўхтаб турибман, шундоқ ҳам.

Шундай дейишимни биламан, кучайтиргич чийиллаб кетди. Ҳазил-пазили йўқ, ростданам жонли эфирда эканман. Бошловчи қиз маслаҳат берди:

– Эфир сифатини таъминлаш учун, илтимос қиламиз, радиоингиз овозини бироз пасайтириб қўйсангиз.

Шундай қилдим. Телефондан ҳам, радиокарнайдан ҳам жиндай акс-садо билан сухандоннинг тиниқ ва майин овози янграрди:

– Ҳурматли радиотингловчи дўстлар! Одатда, "Ҳажв ва ҳаёт" эшиттиришимизга сизлардан келган кўплаб мактубларда шундай савол берилади: "Ҳозирги ҳажвий ҳикояларда сюжет ҳаётдан олинаяптими ё тўқиб чиқарилаяптими?" Биз бу саволга жавобни ҳажвчиларимизнинг ўзидан олиш мақсадида ҳозир улардан бири билан бевосита боғланиб турибмиз. Хўш, ҳажвчимизнинг фикрлари қандай?

Ия, менга савол бераяпти. Худди афту-ангоримни биров кўриб тургандек, у ёқ-бу ёғимни тўғрилаган бўлдим. Очиғи, кайфиятим йўкроқ эди, мужмалгина жавоб қайтардим. Тўғри-да, ҳар қандай ҳажвда унисидан ҳам, бунисидан ҳам бўлиши мумкин. Шуям саволми?

Жавобим ёқмади шекилли, сухандон қиз гапни қисқа қилиб хайрлашди.

Аммо, радиони тинглашда давом этдим. Орада бир дунё реклама эълонлари, яна икки қўшиқни кетма-кет тингладик. Ҳалиги мавзу ҳақида наридан бери гап бориб, бир зумда юмалоқ ёстиқ бўлди.

Шу топда кимдир радиога қўнғироқ қилиб қолди. Яна бояги хушовоз "қўнғироқча" жаранглагандек бўлди:

– Биз сизни тинглаяпмиз, муҳтарам мухлис. Марҳамат, эфирдасиз, гапиринг.

– Қизим, мен "Йўлтушган" маҳалласидан Йўлдошали отангиз бўламан. Мумкин бўлса, икки оғиз...

– Жуда соз-да, – сухандон маъқуллади. – Бирор яқинингизга табрик ва кутловларингиз бўлса, марҳамат, йўллашингиз мумкин, отахон.

Отахон бир ютиниб олди-да, гап бошлади:

– Раҳмат, қизим. Табрикмас-у, шунчаки, кенжатой ўғлимизга салом йўлламоқчи эдик. Мана, ҳозир денг, кампирим иккимиз маза қилиб жонли эпирни эшитиб ўтирибмиз. Ҳозиргина "Ўғлима ўхшийди овозинг сани..." деган ашулани сел бўлиб тингладик. Барака топинглар, илоҳим.

– Раҳмат, отахон. Демак, кенжатойингиз ҳарбий хизматдалар ё олис сафардалар, сиз уларни соғингансиз, шундайми?

– Йўқ, қизим. Шукр, кенжатойимиз бағримизда. Биз, чолу кампирнинг хизматида. Яқинда "Каптива" олди, азамат. Аммолекин, бу қурғур бензинни тоза ичаркан-да, ўзиям!

Отахон гапининг булоvи қай томонга оғаётгани тушунарсиз эди. У эса ҳа деганда мақсадга кўчақолмасди.

– Ўғлимнинг мошинасида радиёси бор. Биламан, у ҳамма вақт шу тўлқинни тинглайди.

Шундоқ бурро бошловчи дудуғлана бошлади:

– Мар... марҳамат, йўлланг саломингизни...

– Салом, Ҳабибуллажон. Саҳарлаб чиқиб кетган эдинг, ҳаяллаб қолдинг. Ойинг ҳам хавотир олаяпти. Нега телпагингни кийиб кетмадинг, тентаквой? Совуқ қотиб қолмадингми, ишқилиб? Ҳастимомлик Туроб косибдан қолган махсини кийволсанг бўларкан-да... Навбатинг келиб қолгандир...

Шу жойда алоқа панд бериб, суҳбат узилди. Унинг ўрнига телефоннинг қисқа гудоги эшитилди. Ҳабибуллажонни билмадим-у, бунақанги қизиқ радиосуҳбатни тинглаб, ўзимнинг навбатим келганини сезмай қолибман.

Машинадан туша солиб, бензинфурушга қичқирдим:

– "Полный" бак!

**Муҳаммад АЪЛО.**

## Жиноятга жазо муқаррар

**Биз бугун глобаллашув даврида, "тўрт тарафи очиқ" дунёда яшаяпмиз. Бундай шиддаткор коммуникация асрида одамлар, айниқса, ёшлакглар юзидан ҳаё ва ибо пардасини кўтарувчи, уларни беҳаёлик ботқоғига тортувчи, қабоҳат турига илинтирувчи омиллар беҳисоб. Ақли бутун, маънавияти тўкис одамнинг беминнат "дастёр"ига айланган глобал интернет тармоғи онгу тафаккурида мафкуравий бўшлиқ бўлган кўплаб инсонлар учун бамисоли офат ўчоғининг ўзгинаси бўлиб қолди. Шундай экан, айни балоғат ёшида, онгини бузуқ ақидалар, ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш, бешафқатлик, ҳаёсизликни тарғиб этувчи аудио-видео асарлар банд этаётган ўсмир ёшнинг эртанги маънавий қиёфаси қандай бўлиши ҳақида гапирмаслик, қайғурмасликнинг ўзи жиноят эмасми?**

# Ё САОДАТ, Ё ҲАЛОКАТ

Истаган бир ўсмирни тўхтатиб шундай савол бериб кўринг:

– Сиз яшаётган ҳудудда китоб дўкони борми?

Суҳбатдошингиз бундай сўровдан ростмана ажабланиб, жавоб ўрнига елка қисиши тайин.

Энди саволни бошқачароқ қўйингчи:

– Сиз яшаётган ҳудудда қанча компьютерхона ё диск савдоси билан шуғулланадиган "точка"лар бор?

Бу сафар ўсмир аниқ сонини айтолмаслиги тайин. Чунки, сиз сўраётган шахобчаларни бир неча жойда учратган, ҳаммасининг аниқ бир ҳисобини билмайди...

Ана шунақа. Энди ўзингиз бундай савдо нуқталарию уларда пулланаётган контрафакт маҳсулотлар ҳеч бири лицензия ёки тегишли рухсатномага эга бўлмаган дисклар, шарм-ҳаёдан узоқ фильмлар, бугун айрим ғарб мамлакатларида уят бўлмай қолган, аксинча, қонун билан ҳимояланаётган, миллий ўзлигимизда қаттиқ шармандалик ва иснод ҳисобланган иллатларни тарғиб этувчи видеоёзувлар ёш авлод маънавиятига нечоғлик зарар етказаётганини бир тасаввур қилиб кўринг. Ахир, онги заҳарланаётган бу навқиронлар орасида сизнинг фарзандингиз, жондан азиз жигарларингиз йўқлигига ким кафолат бера олади?

"Бу қадар ваҳимага ўрин йўқ, ахир, бармоқ билан санарли бир-икки ҳолатлар-да", дейишингиз мумкиндир. Биринчидан, булар саноқли манзилда учраётган иллатлар эмас. Қолаверса, ўша "бир-икки" жойда ҳам ўзимизнинг қоракўзларга зарар етказмоқдаки, бу оз эмас, жуда катта йўқотиш дегани, аслида...

Чирчиқ шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси, 31-уй ёнидаги дисклар билан савдо қилувчи раста кейинги пайтлар анчайин гавжумлашаётганди. Айниқса, бу ердан ҳали ҳаётнинг пасту баландини, аччиқ-чучугини татиб кўрмаган ёш-ялангларнинг қадами узилмаётгани ташвишланарли эди. Улар харид қилаётган аудио ва видео ёзувли дискларда нималар муҳрланган? Ёшлар улардан нима олишлари мумкин?

Чирчиқ шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўтказган тезкор тадбирда мана шу каби саволларга бир қадар ойдинлик киритилди. Сохта тадбиркорлар Зикир Усмонов, Шаҳоб Иномов, Дилмурод Тоиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) қарангки, ҳеч қандай тегишли рухсатномасиз бу савдони ташкил қилишган экан. Улар савдога чиқарган қўлбола ёзувли дискларнинг овози ва тасвир сифатини қўя туринг, маънавий, ғоявий савиясига ким жавоб беради?

Солиқ ва ички ишлар бўлимлари ходимлари ўтказган яна бир тезкор тадбирда шаҳардаги "Карвон" бозори ҳудудида фуқаро Зиёҳиддин Худоёров ҳам ҳеч



қандай тегишли ҳужжатларсиз DVD дисклардан нусха кўчириб, пуллаётгани аниқланди. Воқеа жойида ҳуқуқбузардан компьютер анжомлари ва дисклар далилий ашё сифатида олинди.

Таажжубки, Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг хулосасига кўра, фуқародан далилий ашё сифатида олинган компьютер техникалари хотирасида ваҳшийлик, шафқатсизлик, зўравонлик, ҳаёсизликни тарғиб қилувчи, шунингдек, шаҳвоний муносабатлар акс этган порнографик фильм ва фотосуратлар, ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга салбий таъсир кўрсатувчи видео ва аудиоматериаллар борлиги тасдиқланди.

Худди шунга ўхшаш ҳолат жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг навбатдаги мажлисларидан бирида ҳам кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, Келес шаҳридаги "Мирод-Мирсоат Омад" масъулияти чекланган жамиятига қарашли диск маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконда туман солиқ идораси ходимлари қисқа муддатли текширув ўтказган. Дўкон сотувчиси М. Раҳмонов видеоёзувли DVD ва CD ҳамда MP форматдаги дисклар савдоси билан шуғулланиб келаётган экан. Республика интеллектуал мулк агентлигининг тегишли хулосасига кўра, мазкур ҳолат юзасидан далилий ашё сифатида олинган 1969 дона турли хил дисклар контрафакт маҳсулотлар эканлиги қайд этилди.

Бу каби ҳолатларни Янгийўл тумани мисолида ҳам келтириш мумкин. Ўтган йили 12 сентябрда Янгийўл туман солиқ ва ички ишлар бўлими идоралари ходимлари Шерматов кўчасида ўтказган тадбирда ҳеч қандай лицензияга эга бўлмаган фуқаро Мария Линингнинг "қўлбола растаси"даги дисклар савдосига барҳам берилди. Очиғи, аёл кишининг тирикчилик баҳонасида бундай юзсизликка бориши кишини ҳайрон қолдиради. Негаки, шу куни корейс миллатига мансуб бу аёлдан далилий ашё сифатида олинган дискларнинг бир қанчаси порнографик фильмлар тўпламидан иборат экани экспертлар берган хулосада ўз аксини топди.

Шу туманда истиқомат қилувчи Шерали Шуҳратов ҳам худди шундай кирдикори туфайли ўттиз ёшида суднинг қора курсисидан жой олди. У ҳам савдо ҳуқуқини берувчи тегишли рухсатномага эга бўлмасдан туриб, контрафакт маҳсулотларининг ноқонуний айланишига ҳисса қўшиб келгани солиқчилар ўтказган қисқа муддатли текширувларда юзага қалқиб чиқди.

Афтидан, Янгийўл туманида контрафакт маҳсулотлари савдоси кенг ва чуқур илдиз отган кўринади. Йўқса, худди шу туманнинг Охунбобоев маҳалласида яна бир ҳуқуқбузар Икромали Жаҳонгиров ноқонуний фаолиятни ўзига касб қилиб олмаган бўларди. Эндигина йигирма ёшнинг остонасида бўлган бу навқирон йигит ҳам шаҳарни бедарвоза деб санайдиганлар хилидан экан. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият тури билан ноқонуний равишда шуғулланиб келгани, устига устак, айлантираётган контрафакт маҳсулотлари ўзи қатори юрт келажаги бўлмиш ёшлар онги ва тафаккурига кучли зарба бериши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмикан?

Юқорида келтирилган бу ҳолатлар афсуски, ўнлаб, юзлаб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг бир шингили, холос. Табиийки, бундай ножоиз ишлар юзасидан суднинг адолатли ҳукми чиқарилиб, ҳуқуқбузарлар ўз қилмишларига яраша қонуний жазога тортилдилар. Бироқ, гапнинг асл мағзи бошқа. Дўппини бошдан олиб ўйлаб қарасак, бундай аянчли оқибатларга олиб борувчи ҳолатлар нечоғлик катта йўқотишларни келтириб чиқариши, эртага улар ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб, тўлдириб бўлмаслигини тушуниш, англаб етиш қийин эмас.

Ёш авлод тарбияси бозорга солинадиган, енгил-елпи қараладиган чакана иш, деб ўйлайдиганлар қаттиқ янглишади. Зотан, буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний ҳаққоний эътироф қилганидек, бу ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё ҳалокат масаласидир.

**Ботир РИХСИЕВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4396. Адади 7515. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.